

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

МАХМУРОВ АЛИШЕР

**ҚАЛҚОНСИМОН, ҚАЛҚОНСИМОН ОЛДИ БЕЗЛАРИ ВА ДИАФИЗ
СУЯК ТЎҚИМАСИНИНГ РЕПАРАТИВ РЕГЕНЕРАЦИЯСИНИНГ
ЎЗARO БОҒЛИҚ СТРУКТУР ЎЗГАРИШЛАРИ**

14.00.02 – Морфология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии(PhD)

Contents of the abstract of the dissertation of the doctor of philosophy (PhD)

Махмуров Алишер

Қалқонсимон, қалқонсимон олди безлари ва диафиз суяк
тўқимасининг репаратив регенерациясининг ўзаро боғлиқ
структур ўзгаришлари..... 3

Махмуров Алишер

Взаимосвязь структурных преобразований щитовидной и
паращитовидной желез, репаративной регенерации костной ткани
диафиза..... 21

Махмуров Алишер

Thyroid gland, parathyroid glands and diaphyseal bone interconnected
reparative tissue regeneration structural changes..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 43

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

МАХМУРОВ АЛИШЕР

**ҚАЛҚОНСИМОН, ҚАЛҚОНСИМОН ОЛДИ БЕЗЛАРИ ВА ДИАФИЗ
СУЯК ТЎҚИМАСИНИНГ РЕПАРАТИВ РЕГЕНЕРАЦИЯСИНИНГ
ЎЗАРО БОҒЛИҚ СТРУКТУР ЎЗГАРИШЛАРИ**

14.00.02 – Морфология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.4.PhD/Tib737 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент Стоматология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус инглиз (резюме)) илмий кенгашнинг веб-саҳифасида www.tma.uz ва «Ziyounet» Ахборот таълим порталида www.ziyounet.uz жойлаштирилган.

Илмий раҳбар

Рахматова Муқаддас Холтаевна
тиббиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар

Расулов Ҳамидулло Абдуллаевич
тиббиёт фанлар доктори

Хамдамова Мухаёхон Тухтасиновна
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот

Ош давлат университети (Қирғизистон Республикаси)

Диссертация химояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «___» _____ куни соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, А.Навоий шоҳ кўчаси, 1-уй. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50; тел: (+99865) 223-17-53; e-mail: buhmi@mail.ru.)

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, А.Навоий шоҳ кўчаси, 1-уй. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50.)

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2021 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

А.Ш. Иноятов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.Н.Ачилова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Н.А. Нуралиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Сўнгги ўн йиллик давр мобайнидасуяклар қайта тикланишининг молекуляр ва ҳужайра даражасидаги механизмлари, остеогенезни тартибга солувчи ҳамда суяк тўқималарининг тузилишини ўзгартирувчи, остеогенез ва регенерат шаклланишини фаоллаштирувчи маҳаллий ва тизимли омиллар тўғрисида муҳим материаллар тўпланган. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти экспертлари фикрига кўра «...репаратив жараённи патогенетик жиҳатдан асослайдиган янги билимлар билан бойитиш, суяк шикастланишини беморлар ҳаёт фаолияти сифатини минимал даражада камайтириш билан қисқа вақт ичида қайта тиклаш имкониятини берган»¹. Ҳозирги даврда травматология ва ортопедияда замонавий жарроҳлик технологияларининг кенг тарқалиши, суяк тўқималари репаратив регенерациясини оптималлаштиришнинг янги, патогенетик асосланган, янада илғор усулларни ишлаб чиқишни талаб қилади.

Дунёда репаратив регенерация ҳақидаги тасаввурлар регенератив тиббиёт ютуқлари билан узвий боғлиқлиги кўрсатиб берилган. Суяк тўқимаси қайта тикланиши масалалари ечимини ишлаб чиқишда ҳозирги кунда остеогенезни оптималлаштирувчи, суяк ҳужайралари дифференциалланиши ва пролиферациясини стимулловчи омилларнинг таъсир механизмларини ўрганиш давом эттирилмоқда. Бу суяк ва бўғимларда жароҳатдан сўнг ўтказиладиган жарроҳлик операцияларининг самарадорлигини оширмоқда. Илмий манбаларда скелет мустаҳкамлигини сақлаш учун суяк тўқимасида доимий кечувчи ремоделлашув жараёнлари, остеобластлар ва остеокластларнинг ўзаро муносабатлари асослаб берилган. Суяк тўқимаси репаратив регенерациясини мақсадли жадаллаштириш механизмларини ишлаб чиқиш, суяк тўқимасини ҳосил қилувчи ҳужайра манбаларини аниқлаш, остеобластлар пролифератив фаоллигини ошириш, суяк тўқимаси репаратив регенерациясининг эндокрин бошқарилуви механизмларини морфологик таҳлил қилиш ҳозирги кунда муҳим тиббий-биологик масалалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Мамлакатимизда аҳолига юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатиш, гипо- ва гиперкальцемия шароитида қалқонсимон, қалқонсимон олди безлари ва найсимон суяк диафиз қисми суяк тўқимаси репаратив регенерациясидаги структуравий ўзгаришлари ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш бўйича катта ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш, соғломлаштириш, бирламчи бўғин тиббиёт муассасалари ҳамда тез тиббий ёрдамнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш...»² вазифалари белгиланган. Найсимон

¹ЖССТ маълумотлари, 2017

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ислоҳ қилиш Стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947 сон Фармони

суякдиафиз қисми суяк тўқимаси репаратив регенерациясидаги морфологик ўзгаришларини ҳисобга олган ҳолда комплекс ташҳислаш ва даволашга янги ёндашувлар ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ-4887-сон «Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилган.

Тадқиқотнинг Республика фан ва техника тараққиётининг асосий устувор йўналишларига мувофиқлиги. Диссертация тадқиқотлари Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналиши VI. «Тиббиёт ва фармакология» йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Исбот қилинишича, одамда узун найсимон суяклар синиши барча суяклар синишларнинг 2,6% дан 12% гачасини ташкил этади. Суяк синишларини даволашнинг асосий усуллари консерватив ва жарроҳлик усуллари ҳисобланади (Волотовский ва ҳаммуал., 2010; Ирисметов М.Э. ва ҳаммуал., 2019).

Амалий травматология ва ортопедияга экспериментал тадқиқотлар натижаларини амалиётда қўллаш, клиницистлар учун жароҳатдан сўнг суяк тўқимаси репаратив регенерацияси жараёнини бошқариш, уни таҳлил қилиш ва даволашнинг тўғри рационал усулини танлаш, шунингдек даволашдан кейинги бемор ҳолатини башорат қилиш имконини беради (Шилин В.А. ва ҳаммуал., 2015). Маҳаллий ва хорижий тадқиқотчилар илмий изланишлари натижаларига кўра, ҳозирги кунда репаратив регенерация турлари ва механизмлари ўртасида, бириктирувчи тўқима ҳужайраларининг гистогенези ва остеогенез динамикаси ўртасида, репаратив регенерация жараёнини оптималлаштиришнинг усуллари танлашда катор муаммоларга дуч келинмоқда (Оноприенко Г.А., Волошин В.П., 2017; Makhdom A.M. et al., 2013; Majidinia M. et al., 2017).

Суяк тўқимасининг гистогенези, шунингдек, фибробластик, остеобластик дифференцилланиш, ангиогенез ва васкулогенез, шикастланиш соҳасидаги юмшоқ ва қаттиқ тўқималарнинг қон билан таъминланиши даражасини аниқлаш, репаратив регенерацияни бошқариш механизмларини билиш клиницистлар учун долзарбдир. Олимлар томонидан жароҳатдан сўнг суяк тўқимаси репаратив регенерацияси жараёнига таъсир этувчи маҳаллий ва тизимли омилларнинг ўзаро алоқалари, бирбирига нисбатан ижобий ва салбий таъсирларининг патогенетик механизмларини ёритиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари жадал бормоқда (Умаров Ф.Х., 2012;

Якубжанов Р.Р., Юлдашева М.А., 2014, Мирзаева У.У., 2015, Юлдашев А.Ю., Каримов М.Ю., 2015; Рахматова М.Х., Юлдашева М.А., 2019).

Шунинг учун, суяк тўқимасининг репаратив регенерациясини тартибга солишда тизимли ва маҳаллий омилларни ўрганиш, улар механизмларини билиш асосида репаратив регенерацияни мақсадли оптималлаштириш усулларини ишлаб чиқиш ҳозирги кунда муҳимдир (Марков Д.А., 2008; Малиновский Е.Л., Надыров Э.А., 2011; Рахматова М.Х. ва ҳаммуал., 2020).

Бироқ, суяк тўқимасининг жароҳатдан сўнг репаратив регенерацияси жараёнларининг патогенетик жиҳатдан асосланиши ва уни мақсадли оптималлаштириш масалалари етарлича ўрганилмаган. Ушбу масалаларнинг ечими травматология ва ортопедиянинг назарий асоси бўлиб ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий ўқув юртининг тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат стоматология институтинг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Аъзо ва тизимларни адаптациясини морфологик асосларини ўрганиш» мавзуси (2018-2021) доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади. Гипо- ва гиперкальцемия шароитида қалқонсимон без, қалқонсимон беzi олди безлари ва найсимон суяк диафиз қисми суяк тўқимасининг репаратив регенерациясидаги структуравий ўзгаришлар ўртасидаги боғлиқлик хусусиятларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

гипо- ва гиперкальцемия шароитида қалқонсимон безнинг структур-функционал хусусиятларини аниқлаш;

гипо- ва гиперкальцемия шароитида қалқонсимон беzi олди безларининг структур-функционал хусусиятларини аниқлаш ва баҳолаш;

катта болдир суяги диафиз қисми суяк тўқимасининг сунъий нуқсон яратилгандан сўнг репаратив регенерацияси жараёнининг морфологик хусусиятларини гипо- ва гиперкальцемия шароитида аниқлаш;

гипо- ва гиперкальцемия шароитида қалқонсимон без, қалқонсимон беzi олди безлари ва катта болдир суяги диафиз қисми суяк тўқимасининг сунъий нуқсон яратилгандан сўнг репаратив регенерациясидаги структуравий ўзгаришлар ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш.

Тадқиқот объекти бўлиб тажриба қуёнларининг гипо- ва гиперкальцемия шароитида сунъий нуқсон яратилгандан сўнг, катта болдир суяги диафиз қисми, қалқонсимон без, қалқонсимон беzi олди безлари бўлаклари ҳисобланган.

Тадқиқот предмети бўлиб гипо- ва гиперкальцемия шароитида, катта болдир суяги диафиз қисмида сунъий нуқсон яратилгандан сўнг, суяк тўқимаси, қалқонсимон без ва қалқонсимон беzi олди безлари морфологияси ҳисобланган.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотда морфологик, электрон-микроскопик ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

гипо- ва гиперкальцемия шароитида қалқонсимон без парафолликуляр хужайраларидаги структуравий ўзгаришларнинг ультраструктур хусусиятлари аниқланган;

гипо- ва гиперкальцемия шароитида қалқонсимон беи олди беи бош ҳужайраларидаги структуравий ўзгаришларнинг ультраструктур хусусиятлари аниқланган ва баҳоланган;

гипо- ва гиперкальцемия шароитида сунъий нуқсон яратилгандан сўнг катта болдир суяги диафиз қисми суяк тўқимасининг репаратив регенерациясидаги структуравий ўзгаришларида кузатиладиган морфологик хусусиятлар борлиги исботланган;

гипо- ва гиперкальцемия шароитида қалқонсимон без, қалқонсимон беи олди безлари ва сунъий нуқсон яратилгандан сўнг катта болдир суяги диафиз қисми суяк тўқимаси репаратив регенерациясидаги морфологик ўзгаришлар қиёсий ўрганилган ва баҳоланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

гипо- ва гиперкальцемия шароитида сунъий нуқсон яратилгандан сўнг катта болдир суяги диафиз қисми суяк тўқимасининг репаратив регенерациясидаги структуравий ўзгаришлари травматология ва ортопедия соҳасида найсимон суяклар жароҳатлар ташҳиси, давоси ва реабилитациясида аҳамиятли бўлган;

қондаги кальций, қалқонсимон ва қалқонсимон беи олди безлари гормонларининг миқдорини инобатга олиш, уларнинг ўзаро алоқаларини билиш суяк тўқимаси репаратив регенерацияси муддатларини қисқартиришда қондаги кальций миқдорини бошқаришда иштирок этувчи қалқонсимон без ва қалқонсимон олди беи препаратларини тўғри қўллаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотларда замонавий экспериментал, морфологик, электрон-микроскопик ва статистик усулларни қўллаш, етарли миқдорда тажриба материалларининг мавжудлиги, олинган натижаларнинг назарий ва амалий тасдиқланганлиги, уларнинг маҳаллий ва хорижий муаллифлар илмий ишлари билан таққослангандаги ишончлилиги, ўрнатилган хулосалари, шунингдек тегишли ташкилотларнинг тасдиқлаганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти гипо- ва гиперкальцемия шароитида қалқонсимон без парафолликуляр ҳужайраларидаги, қалқонсимон беи олди беи бош ҳужайраларидаги, сунъий нуқсон яратилгандан сўнг катта болдир суяги диафиз қисми суяк тўқимасининг репаратив регенерациясидаги структуравий ўзгаришлар борлиги ва уларнинг хусусиятлари аниқланганлиги, ушбу ўзгаришлар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик тасдиқланлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти гипо- ва гиперкальцемия шароитида сунъий нуқсон яратилгандан сўнг катта болдир суяги диафиз қисми суяк тўқимасининг репаратив регенерациясидаги структуравий ўзгаришлари травматология ва ортопедия соҳасида найсимон суяклар жароҳатлари ташҳиси, давоси ва реабилитациясида аҳамиятли бўлганлиги, қондаги кальций, қалқонсимон ва қалқонсимон беи олди безлари гормонлари миқдорини инобатга олиш, уларнинг ўзаро алоқаларини билиш суяк тўқимаси репаратив регенерацияси муддатларини қисқартиришда

қондаги кальций миқдорини бошқаришда иштирок этувчи қалқонсимон без ва қалқонсимон олди беши препаратларини тўғри қўллаш имконини берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Суяк тўқимаси репаратив регенерациясига маҳаллий ва тизимли омилларнинг таъсири механизмларини морфологик ўрганиш асосида:

«Гипер- ва гипокальцемида суяк тўқималарининг репаратив регенерациясини оптималлаштириш» (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 17 декабрдаги 8н-п / 589-сонли хулосаси) услубий тавсияномаси чоп этилди. Ушбу услубий тавсиянома кальцийнинг қондаги миқдорига кўра суяк тўқимасининг репаратив регенерациясининг жароҳатдан сўнгги ҳолатини таҳлил қилиш имконини берган;

найсимон суяклар диафизи суяк нуқсонларининг репаратив регенерациясини оптималлаштириш механизмларини ўрганиш ва баҳолаш бўйича олинган илмий тадқиқотлар натижалари клиник амалиётга, хусусан, РШТЁИМ Тошкент вилояти филиали кўшма жароҳатлар ва нейрохирургия бўлимида, Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳар тиббиёт бирлашмасининг шошилинич тиббий ёрдам бўлимида татбиқ этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 5 декабрдаги 8н-з / 217-сонли хулосаси). Олинган илмий натижаларни клиник амалиётга татбиқ этилиши оёқ-қўл шикастланишларини тўлиқ тиклашга, асоратларни бартараф қилишга ва ҳаёт сифатини яхшилашга имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 1 та халқаро ва 2 та Республика илмий-амалий конференцияларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация ишлари натижалари бўйича 14 та илмий иш чоп этилган, улардан 7 таси илмий мақола, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган республика илмий нашрларида 6 та, хорижий нашрларда 1 та мақола нашр этилган.

Диссертация ишининг таркиби ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хотима, хулосалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 104 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари асослаб берилган, объекти ва предмети, тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги тавсифланган, илмий янгилиги ва тадқиқотнинг амалий натижалари баён этилган, натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган, амалиётга татбиқ этиш, нашр этилган ишлар тўғрисидаги маълумотлар ва диссертациянинг тузилиши келтирилган.

Диссертациянинг биринчи бобида «**Суяк тўқималарининг репаратив регенерацияси бошқарилиши ҳақидаги замонавий қарашлар (адабиётлар шарҳи)**» маҳаллий ва хорижий тадқиқотчиларнинг сўнгги маълумотларига асосланиб, суяк тўқималарининг турлари ва тузилиши, жароҳатлангандан кейинги структур ўзгаришлари, суяк ремоделлашувидаги остеокластлар ва остеобластларнинг роли, уларнинг физиологик остеогенез ва репаратив регенерациядаги иштироки, репаратив регенерацияни оптималлаштиришнинг энг истиқболли усуллари ҳақидаги маълумотлар ёритилган.

Диссертациянинг иккинчи бобида «**Қалқонсимон без, қалқонсимон беzi олди безлари ва найсимон суяк диафиз қисми суяк тўқимасининг репаратив регенерациясидаги структуравий ўзгаришларни ўрганиш бўйича тадқиқот материаллари ва усуллари**» тадқиқотнинг асосий материаллари ва усуллари тўғрисида маълумотлар ёритиб берилган.

Тажрибалар 2,0-2,5 кг оғирликдаги 42 шиншилла қуёнларида ўтказилган. Барча ҳайвонлар 3 гуруҳга бўлинган: қонда кальций концентрацияси нормал бўлган лаборатория ҳайвонлари (назорат, n=6), қонда кальций концентрацияси пастбўлган лаборатория ҳайвонлари (гипокальцемия, n=18) ва қонда кальций концентрацияси юқорибўлган лаборатория ҳайвонлари (гиперкальцемия, n=18).

Барча ҳайвонлар катта болдир суягида суяк нуқсонини ҳосил қилиш учун операция қилинган. Илмий тадқиқотларда фойдаланиладиган ҳайвонларни ҳимоя қилиш бўйича Европа конвенциясига мувофиқ ҳайвонларда нуқсон яратилганидан сўнг 7,15 ва 30 кун ўтгач, тажрибадан чиқарилган (Экспериментал ва бошқа илмий мақсадларда фойдаланиладиган умуртқали ҳайвонларни ҳимоя қилиш бўйича Европа конвенцияси, 2003). Барча гуруҳларда морфологик тадқиқотлар учун қалқонсимон без ва қалқонсимон беzi олди безлари бўлақлари, шунингдек операциядан кейин катта болдир суяги олинган. Қон зардобидаги гипокальцемия қорин бўшлиғига этилентетрадиамин-тетра-сирка кислотаси натрий тузининг 2,5% сувли эритмасини юбориш натижасида (ЭДТА; 100 г ҳайвон вазнига 1,0 мл) келтириб чиқарилган. Гиперкальцемияга, аксинча, 10% кальций глюконатни (100 г вазнига 1,0 мл) қорин бўшлиғига юбориш натижасида эришилган.

Қон зардобидаги кальций концентрациясини атом-сорбцион спектрофотометри ёрдамида аниқланди (Векман, Бельгия). СаСО₃ асосий эритмасини тайёрлаш учун хлорид кислотанинг минимал ҳажмини, яъни 1 мл да 0,5 г кальций карбонат эритилди. 250 л концентрация қилинган хлорид кислотасида 58,65 г тузни эритиб, асосий лантан хлорид эритмаси тайёрланди. Кейин эритма дистилланган сув билан 1000 мл га етказилди. Қон зардоби 1:25 нисбатда суюлтирилди. Спектрофотометрияда ўрганилган қон зардобидаги эритмалар кальций ионларининг стандарт эритмаси билан таққосланди.

Барча натижалар анъанавий вариацион статистика усуллари ёрдамида ишланган. Статистик ишлаш «Pentium IV» процессори асосидаги персонал

компьютерда тиббий-биологик тадқиқотлар учун дастурий таъминот тўпламидан фойдаланган ҳолда амалга оширилган.

Катта болдир суяги соҳасида суяк тўқималари нуқсонини шакллантириш схемаси. Барча ҳайвонлар ветеринария мутахассиси томонидан текширилгандан сўнг, ҳеч қандай касаллик йўқлигини аниқлаб, 0,5% новокаин эритмаси билан маҳаллий анестезия қилиниб, катта болдир суягининг ўрта учдан бир қисмида терида ва тери ости тўқималарида кесма ҳосил қилинган. Мушаклар катта болдир суяги юзасидан ажратилган ва диафизнинг ўрта учдан бир қисмидан четга сурилган. Кейин, ўткир скальпель билан бир-биридан 0,5 см масофада иккита узун 1,0 см га тенг ва уларни боғлайдиган иккита кўндаланг кесма қилинган. Суяк устидаги парданинг тўғри тўртбурчак чизиғи суяк тўқимасидан ажратилганидан сўнг, олиб ташланган. Сўнг унинг кенглигига (0,5 см) ва узунлигига (1,0 см) кўра бор машина ёрдамида эндостгача суяк тўқимаси нуқсони бажарилган. Майда бўлаклар чиқарилганидан сўнг, нуқсон юқоридан юмшоқ мато билан қопланган. Тери ва тери ости клетчаткалари бир нечта кўндаланг чоклар билан тикилган. Ярага иодиол суртилди. Суяк нуқсони яратилганидан 8-9 кун ўтгач, чоклар олиб ташланган. Жарроҳликдан кейин асоратлар кузатилмаган.

Катта болдир суяги диафиз қисмида нуқсон соҳаси суяк тўқимасининг репаратив регенерациясини динамикада ўрганиш Волотовский А.И. ва ҳаммуал. [2010] схемаларига асосан ўрганилган.

Катта болдир суяги диафиз қисмининг нуқсон соҳасидан олинган суяк бўлакчаларида спиртда фиксация қилинган, сўнг азот кислотасининг спиртли эритмасида декальцинацияланган. Гистологик препаратлар тайёрлаш учун декальцинацияланган суяк бўлакчалари парафинга қуйилган. Микротом ёрдамида олинган кесмалар гематоксилин-эозин билан бўялган. Микропрепаратлар «ОРТИКА» (Италия) ёруғлик микроскопи остида ўрганилган.

Морфологик тадқиқотлар учун қалқонсимон без ва қалқонсимон без олди безларидан олинган бўлакчалар формалиннинг 10% нейтрал эритмасида 24 соат давомида фиксация қилинган. Оқар сувда ювилгандан сўнг, бўлакчалар концентрацияси ортиб борувчи спиртлар батареясида ўтказилган. Бўлакчалардан олинган кесмалар гематоксилин-эозин бўёқлари билан бўялган. Электрон микроскопик тадқиқотлар учун қалқонсимон без ва қалқонсимон олди безларидан кесиб олинган 1 мм³ ўлчамдаги бўлакчалар буферланган глютар-альдегиднинг 2,5% эритмасида 20 минут фиксация қилинган. Кейинчалик осмий кислотасининг 1% эритмасида 1,5 соат постфиксация қилинган. Сувда ювилгандан сўнг, бўлакчалар концентрацияси ортиб борувчи спиртли батериядан ўтказилган ва аралдитга қуйилган. Ультрамикроскопик кесмалар IEOL-100S (Япония) электрон микроскопи ёрдамида ўрганилган.


Барча натижалар анъанавий вариацион статистика усуллари ёрдамида ишланган. Бунинг учун ўртача арифметик катталиқ (M), ўртача арифметик хато (m), нисбий кўрсаткичлар (%) ҳисобланган. Фарқлар аҳамияти Фишер-Стьюдент мезони бўйича (P) аниқланган. Статистик ишлаш «Pentium IV»

процессори асосидаги персонал компьютерда тиббий-биологик тадқиқотлар учун дастурий таъминот тўпламидан фойдаланган ҳолда амалга оширилган. Тадқиқотларни ташкил қилиш ва ўтказишда далилларга асосланган тиббиёт тамойилларига амал қилинган.


Диссертациянинг учинчи боби «Қалқонсимон безва қалқонсимон олди безининг нормада, экспериментал гипо- ва гиперкальцемиа ҳолатидаги морфологик хусусиятлари». Ушбу бобда қалқонсимон беzi парафолликуляр хужайралари ҳамда қалқонсимон без олди безининг бош хужайраларининг қонда кальций миқдорининг нормал концентрациясидаги, шунингдек гипо- ва гиперкальцемиа шароитларидаги морфологик ва ультраструктур хусусиятлари ёритилган.

Қалқонсимон без (ҚБ) назорат гуруҳи ҳайвонларида ташқи томондан бириктирувчи тўқимали капсула билан ўралган. Ундан без паренхимасига нерв толалари, қон ва лимфа капиллярларини ўз ичига олган тўсиқлар кириб борган. Улар без паренхимасини ҳар хил катталиқдаги бўлакчаларга, яъни фолликулаларга ажратган. Фолликулалар аъзонинг марказий қисмида периферик қисмига нисбатан йирик. Марказий фолликулалар девори юқори призматик тиреоцитлардан, периферик фолликулалар девори эса паст призматик тиреоцитлардан иборат (1-расм). Электрон микроскопик тиреоцитлар ва С-хужайралар ўртасидаги фарқларни ишончли тарзда аниқлаш мумкин. ҚБ марказий фолликулалари деворидаги тиреоцитларнинг апикал плазмолеммаси фолликула бўшлиғидаги коллоид моддага қараган турли узунликдаги микроворсинкалар ҳосил қилган.

Тиреоцитлар цитоплазмасида оқсил синтезида иштирок этувчи органеллар яхши ривожланган. Жумладан, цитоплазмада ва ядро атрофида, кўп миқдорда ўртача зичликдаги ясси ёки кенгайган донатор эндоплазматик тўрцистерналари жойлашган. Гольжи мажмуаси кўп миқдорда цистерна ва вакуолалардан ташкил топган, донатор эндоплазматик тўр цистерналари билан ўзаро боғланган бўлиб, ядронинг устки қутбида катта майдонни эгаллаган. Митохондриялар деярли бутун цитоплазмани эгаллаган, юмалоқ, овал, чўзиқ шаклда (2-расм).



1-расм. Назорат гуруҳи қуёнларининг қалқонсимон беzi (1). Марказий фолликулалар (Ф) деворида юқори призматик тиреоцитлар (ПЦ), КМ- коллоид модда; И- интерстиций. Буёғи ГЭ. Катталиги x200




2-расм. Назорат гуруҳи қуёнларининг қалқонсимон беzi. Тиреоцитнинг умумий кўриниши. 1- ядро; 2- донатор эндоплазматик тўр; 3- Гольжи мажмуаси. Катталиги x37000.


Секретор доначалар турли ҳажм ва зичликка эга. Улар асосан тиреоцитларнинг апикал цитоплазмасида жойлашган. Секретор гранулалардан ташқари тиреоцитлар цитоплазмасида мембрана билан ўралган “коллоид томчилар” аниқланган.

Парафолликуляр ёки С- хужайралар тиреоцитларга нисбатан қарама-қарши қутбга эга. С- хужайралар юмалоқ ёки овал шаклда бўлиб, фолликула деворида якка ёки 2-3 тадан жойлашган. С-хужайралар атрофдаги тиреоцитлардан фарқли сустр секретор фаолликка эга, органеллари сустр ривожланган, коллоид томчилари йўқ. Цитоплазмасида донатор эндоплазматик тўр профиллари аниқланди, бироқ тиреоцитларга нисбатан кам, цистерналари асосан ясси, кенгаймалар ҳосил қилмаган. Голжи мажмуаси ядро яқинида жойлашган бўлиб, цистерналари зич, донатор эндоплазматик тўр цистерналари билан боғланиб кетган. Митохондриялар кам миқдорда, майда ёки ўрта катталиқда, юмалоқ ёки овал шаклда, ўртача зичликка эга. С- хужайралар ядроси юмалоқ, қобиғи текис, инвагинациялар ҳосил қилмайди, бу билан тиреоцитлардан фарқ қилади. С-хужайраларнинг характерли белгиларидан бири бўлиб, цитоплазмасида кўп миқдорда юқори электрон зичликка эга бўлган секретор доначаларнинг мавжудлигидир. Секретор доначалар фолликула деворини ўраб турган фенестраланган кон капиллярлар базал мембранасига яқин аниқланди (3-расм).

Экспериментал гипокальцемида С-хужайралар ҳажми тиреоцитларга нисбатан кичиклашган, цитоплазмада майда, юқори электрон зичликка эга бўлган кўп миқдорда секретор доначалар аниқланди. Ядро назорат гуруҳига нисбатан катталашган, эухроматин нисбати гетерохроматинга нисбатан кўп. Эндоплазматик тўр сустр ривожланган, цистерналари бироз кенгайган, фрагментлашган, паст электрон зичликка эга материал тутади. Гольжи мажмуаси гипоплазияга учраган, кам миқдорда пуфакчалар ва вакуоалардан иборат. Митохондриялар нисбатан кам, майда, цитоплазмада органеллар ва секретор доначалар орасида жойлашган (4-расм).




3-расм. Назорат гуруҳи қуёнларининг қалқонсимон беши. Фолликула девори. ТЦ-тиреоцит; ТК-тиреокальцитоницит; Я-ядро; БМ- базал мембрана; ДЭТ-донатор эндоплазматик тўр; ГМ-Гольжи мажмуаси; М-митохондриялар. СГ-секретор гранулалар. Катталиги x12500.



4-расм. Қалқонсимон без. Гипокальцемиа ҳолатидаги С-хужайлар ультраструктураси. СГ-секретор гранулалар; ГМ-Гольжи мажмуасининг гипоплазияси; ДЭТ-эндоплазматик тўр профили турли хил катталиқдаги везикулалардан иборат; Я-ядро; К-кон капилляри. Катталиги x12000

C-хужайраларда экспериментал гиперкальцемия шароитида хужайра ичи секретор аппаратнинг фаоллашуви кузатилди. Хужайлар нисбатан гипертрофияга учраган. Цитоплазма оч, секретор гранулаларнинг дегрануляцияси яққол намоён бўлди. Ядрога гетерохроматин нисбати эухроматинга нисбатан кўп. Гетерохроматин асосан ядро қобиғи остида тўпланган. Қон капиллярлари деворида фенестралар кенгайган, кўп миқдорда эндоцитоз пуфакчалар тутади. Донадор эндоплазматик тўр кучли ривожланган, цистерналари кенгайган, бир-бирига параллел жойлашган. Гольжи мажмуаси гипертрофияга учраган, ядро атрофида жойлашган бўлиб, кенг цистерналар, везикула ва вакуолалардан иборат. Митохондриялар катталашган, оч электрон зичликка эга маҳсулот тутади (5-расм).




5-расм.Қалқонсимон без. Гиперкальцемия ҳолатидаги С-хужайлар (ТК) ультраструктураси. СГ- секретор гранулаларнинг дегрануляцияси; Я- ядро; К-қон капилляри; БМ-базал мембрана; П-пиноцитозпуфакчалари; ТЦ-тиреоцит. Катталиги x10000

Қалқонсимон олди беши бош хужайраларининг қонда кальций миқдорининг нормал концентрациясидаги, шунингдек гипо- ва гиперкальцемия шароитларидаги морфологик ва ультраструктур хусусиятлари ёритилган.

Назорат гуруҳи куёнларида қалқонсимон беши олди беши икки жуфт бўлиб, қалқонсимон безнинг орқа томонида юқори ва пастки қисмида иккитадан жойлашган. Қалқонсимон безнинг капсуласи билан умумий ўралган бўлиб, фолликулалар оралиғидаги интерстицийда жойлашган. Сийрак толали бириктирувчи тўқимада коллаген ва эластик толалар аъзо атрофида зичлашиб, қалқонсимон без олди безининг капсуласини ҳосил қилади. Ушбу капсула аъзо ичига ботиб кириб, аъзо паренхимасини эпителий хужайраларидан ташкил топган тасмаларга ажратганлиги яққол намоён бўлди. Эпителий тасмалари асосан икки хил хужайралардан ташкил топган: бош ва оксифил.

Оч ёки функционал “фаол” бош хужайралар ядросининг нотўғри шакли билан ажралиб туради, ядро мембранаси бурмали бўлиб, турли катталиқдаги инвагинациялар ҳосил қилади. Ядро эухроматинга бой, гетерохроматин


асосан ядро қобиғи остида жойлашган. Цитоплазмада жуда кўп сонли донадор эндоплазматик тўр каналчалари мавжуд бўлиб, улар ясси чўзиқ цистерналар ва пуфакчалардан иборат. Гольжи мажмуаси цитоплазмада катта майдонни эгаллайди. Секретор доначалар тўқ электрон зичликка эга бўлиб, хужайра плазмолеммасига яқин жойлашган. Митохондриялар майда, юмалок ва овал шаклида, хужайра цитоплазмасида тенг тақсимланган, матрикс ўртача зичликка эга. Бош хужайраларнинг цитоплазмасида турли ҳажмдаги, мембранага ўралмаган липид томчилари аниқланди (6-расм).




6-расм. Назорат гуруҳи куёнларининг қалқонсимон олди беши. Я-ядро; ГМ- Гольжи мажмуаси; ДЭТ- донадор эндоплазматик тўр; СГ-секретор гранулалар; ЛТ- липид томчилари. Катталиги х7500.

Экспериментал гипокальцемида бош хужайраларнинг ҳажми катталашиб, коптокчалар кўринишида тўп-тўп бўлиб жойлашган. Ядро контурлари текис, инвагинациялар деярли ҳосил қилмаган. Эухроматин нисбати гетерохроматинга нисбатан кўп. Донадор эндоплазматик тўр каналчалари цитоплазма бўйлаб тарқалган, Гольжи мажмуаси гиперплазияга учраган, ядро атрофида катта жойни эгаллаган, асосан везикулалардан ташкил топган. Митохондриялар турли ўлчам ва шаклга эга. Липид томчиларининг нисбати кескин камайган. Плазмолемма кўп миқдорда интердигитациялар ҳосил қилади (7-расм).

Экспериментал гиперкальцемида, аксинча қалқонсимон беши олди безининг бош хужайраларида гипофункция ҳолати кузатилди. Электрон микроскопик бош хужайралар цитоплазмасида донадор эндоплазматик тўр каналчалари миқдори кескин камайиши, Гольжи мажмуасининг гипоплазияга учраши аниқ намоён бўлди. Митохондриялар майда, овал ёки юмалок шаклда, миқдори кескин камайган. Липид томчиларининг миқдори ҳам кескин камайган. Секретор доначалар миқдори кўп, деярли бутун цитоплазмани эгаллаган, таркибида оч электрон зичликка эга маҳсулот тутган. Улар плазмолемма билан интердигитациялар ҳосил қилмаган (8-расм).



7-рasm. Экспериментал гипокальцемида қалқонсимон олди беши бош хужайрасининг фрагменти. Я- ядро; ДЭТ- донатор эндоплазматик тўр; ГМ- Голжи мажмуаси; М- митохондриялар; ПЛ- плазмолемма. Катталиги x30000.




8-рasm. Экспериментал гиперкальцемида қалқонсимон олди беши бош хужайрасининг фрагменти. М- митохондриялар; СГ-секретор гранулалар; ПЛ- плазмолемма; ЛТ-липид томчилари; КК- қон капилляри. Катталиги x30000.

Диссертациянинг тўртинчи бобида «**Катта болдир суяги диафиз қисми суяк тўқимаси нуқсони репаратив регенерациясининг нормада, экспериментал гипо- ва гиперкальцемида ҳолатидаги морфологик хусусиятлари**» катта болдир суяги нуқсони соҳасида қонда кальций миқдорининг нормал концентрацияси, шунингдек гипо- ва гиперкальцемида шароитларидаги морфологик ва ультраструктур хусусиятлари ёритилган.


Назорат гуруҳи қуёнларининг катта болдир суяги диафиз қисмида нуқсон яратилгандан сўнг 3-суткасида нуқсон ичида шикастланган суяк, шишган бўшлиқлар, қуюлиб қолган қон қолдиқлари қайд этилди. Тажрибанинг ушбу даврида гипо- ва гиперкальцемида ҳолатида нуқсон соҳасида репаратив регенерацияга оид морфологик ўзгаришлар кузатилмади.

Тажрибанинг 7-суткасида, назорат гуруҳи қуёнларида нуқсон соҳасида суяк парчалари орасида фибрин ипчаларининг тортилиши кузатилди. Баъзи жойларда қон қуйқалари сақланиб қолган. Суяк усти пардаси ва эндост томонидан қон капиллярларининг нуқсон ичига кириши кузатилди. Қон ивиндиси ва фибрин тортмалари орасида фиброз тўқима шаклланганлиги аниқланди (9-рasm).

Экспериментал гипокальцемида ушбу даврда нуқсон соҳасида суяк резорбцияси кузатилди. Емиралаётган суяк тўқимаси чегарасида кўп миқдорда остеокластлар аниқланди. Шакланаётган суяк тўқимаси юпқалашган, баъзи жойларда ўзаро боғланмаган, натижада улар орасида кенг бўшлиқлар ҳосил бўлган. Бўшлиқлар грануляция тўқимадан иборат. Суяк усти пардаси ва эндостдан қон томирларнинг кириб келиши назорат гуруҳига нисбатан сустлашган (10-рasm).




9-расм. Назорат гуруҳи қуёнлари болдир суяги. 7-сутка. Нуксон соҳасида дағал толали суяк тўқимасининг шаклланиши. СТ- суяк тўсинлари; КК- шаклланаётган суяк тўқимасига ўсиб кираётган кон томирлар. Бўёғи ГЭ. Катталиги x100.




10--расм. Экспериментал гипокальцемия. 7- сутка. СТ- суяк тўсинлари; Окл- остеокластлар; Обл- остеобластлар; Оцт- остеоцитлар. Бўёғи ГЭ. Катталиги x200.

Экспериментал гиперкальцемия ҳолатида тажрибанинг 7-суткасида нуксон соҳасидаги суяк тўқимасида жадал минерализация жараёни қайд этилди. Суяк усти пардаси ва эндостдан кириб келган қон томирлар атрофида нозик остеоид тўқима аниқланди. Янги ҳосил бўлган суяк тўсинлари орасида фиброз тўқиманинг нисбати назорат гуруҳи ва гипокальцемия ҳолатига нисбатан катта. Янги ҳосил бўлаётган суяк тўқимаси лакуналари ичида ёш остеобластлар аниқланди. Суяк тўсинлари чегарасида остеокластлар аниқланмади (11-расм).

Тажрибанинг 14-суткасида назорат гуруҳи қуёнларида регенерат соҳасида янги ҳосил бўлган суяк тўсинлари шаклланган, остеоид тўқима лакуналарида остеобластлар жойлашган. Остеокластлар аниқланмади. Остеоид тўқиманинг нисбати фиброз тўқимага нисбатан катта. Репаратив регенерациянинг ушбу даврида дағал толали суяк тўқимаси шаклланганлиги аниқланган (12-расм).



11-расм. Экспериментал гиперкальцемия. 7-сутка. ОТ-остеоид тўқима; ФТ-фиброз тўқима; КТ-қон томирлар. Бўёғи ГЭ. Катталиги x100.




12-расм. Назорат гуруҳи қуёнлари болдир суяги. 14- сутка. ОТ- остеоид тўқима; ФТ- фиброз тўқима; КТ- қон томирлар. Бўёғи ГЭ. Катталиги x100.


Тажрибанинг ушбу даврида гипокальцемия ҳолатидарегенерат соҳасида суякланиш жараёни кузатилди, бироқ назорат гуруҳига нисбатан остеоид тўқиманинг нисбати фиброз тўқимага нисбатан кам. Суяк тўсинлари аввалги

муддатга нисбатан қалинлашган. Периост шаклланмаган. Қон томирлар юзаси торайган (13-расм).

Тажрибанинг 14-суткасида гиперкальцемия ҳолатида регенерат соҳасида суяк тўсинлари қалин, лакуналарида остеобластлар жойлашган. Периост шаклланган, зич фиброз тўқимадан ташкил топган. Янги ҳосил бўлган суяк тўқимасига периостдан янги қон томирларнинг ўсиб кириши кузатилгани эътиборлидир (14-расм).



Расм 13. Экспериментал гипокальцемия. 14- сутка . ОТ- остеонид тўқима; ФТ- фиброз тўқима; ҚТ- қон томирлар. Бўёғи ГЭ. Катталиги x100.



Расм 14. Экспериментал гиперкальцемия. 14- сутка . ОТ- остеонид тўқима; ҚТ- қон томирлар. Бўёғи ГЭ. Катталиги x100.


Тажрибанинг 30-суткасида назорат гуруҳи қуёнлар катта болдир суягида репаратив регенерация жараёни пластикасимон суяк тўқимасининг шаклланиши билан яқунланди. Бунда периост ҳамда эндостнинг тўлиқ шаклланганлиги, улардан кириб келган қон томирлар атрофида концентрик суяк пластинкаларининг (остеонлар) шаклланиши кузатилди. Периост икки қаватдан иборат, яъни ташқи фиброз ва ички остеоген қаватларга аниқ ажралган.

Тажрибанинг ушбу муддатида гипокальцемия ҳолатида регенерат ўрнида дағал толали суяк тўқимасининг шаклланиши кузатилди. Суяк тўсинлари орасида фиброз-ретикуляр тўқима, қизил ва сариқ илик оролчалари аниқланди. Суяк тўсинлари юзасида остеобласт ва остеоцитларнинг зичлиги паст. Суяк тўсинлари баъзи жойларда бир-бири билан қўшилмаган, натижада кенг бўшлиқлар сақланган. Периост шаклланган, бироқ юпқа, коллаген толалар ва улар орасида фибробластлардан иборат (15-расм).

Тажрибанинг 30-суткасида экспериментал гиперкальцемия ҳолатида пластинкасимон суяк тўқимаси кузатилди, дағал толали суяк тўқимаси нисбати аввалги муддатга нисбатан камайган. Суяк тўсинлари қалин, орасидаги бўшлиқлар деярли қолмаган. Суяк тўсинларида остеобласт ва остеоцитларнинг зичлиги юқори. Остеонлар қавати, умумий концентрик суяк пластинкалари қаватига нисбатан қалинлашган. Периост ва эндост шаклланган, зич толали фиброз тўқимадан иборат. Периост ташқи зич толали ва ички остеоген қаватларга аниқ ажралган (16-расм).



15-расм. Экспериментал гипокальцемя. 30- сутка .
 П- периост; СТ- суяк тўсинлари; ФТ- фиброз тўқима.
 Бўёғи ГЭ. Катталиги x100.



16.расм. Экспериментал гиперкальцемя. 30- сутка.
 Пластикасимон суяк тўқимаси. О-остеонлар кавати;
 КП- ташқи умумий концентрик суяк пластинкалари
 кавати; П-периост. Бўёғи ГЭ. Катталиги x100.

Экспериментал гипо- ва гиперкальцемя шароитида қалқонсимон без, қалқонсимон олди бези ва катта болдир суяғи диафиз қисми суяк тўқимасининг сунъий нуқсон яратилгандан сўнг репаратив регенерациясидаги структуравий ўзгаришларнинг ўзаро боғлиқлиги аниқланган.

ХУЛОСАЛАР

1. Гипокальцемиа ҳолатида қалқонсимон без парафолликуляр хужайраларининг секретор фаоллиги пасаяди. Ультрамикроскопик хужайрада секретор аппарат гипоплазияси, секретор гранулаларнинг деярли бутун цитоплазмани эгаллаганлиги аниқланди. Қалқонсимон без олди безибош хужайраларининг аксинча, секретор фаоллиги ошади. Ультрамикроскопик хужайрада секретор аппарат гиперплазияси, секретор гранулаларнинг дегрануляцияси аниқланди.

2. Гиперкальцемиа ҳолатида, қалқонсимон безнинг парафолликуляр хужайраларининг секретор фаоллиги ошади. Ультрамикроскопик хужайрада секретор аппарат гиперплазияси, секретор гранулаларнинг дегрануляцияси аниқланди. Қалқонсимон без олди безибош хужайраларининг секретор фаоллиги аксинча, пасаяди. Ультрамикроскопик хужайрада секретор аппарат гипоплазияси, секретор гранулаларнинг деярли бутун цитоплазмани эгаллаганлиги аниқланди.

3. Гипокальцемиа ҳолатикатта болдир суяги нуқсони соҳасида суяк тўқимаси резорбцияси жараёнининг жадаллашувига олиб келди. Натижада суякланиш жараёни динамикада кузатилганда, суяк тўқимаси нисбатининг камайганлиги аниқланди. Фиброз-тоғай тўқиманиннг нисбати ортди. Суякланиш жараёни тажрибаниннг 30-кунига келиб, дағал толали суяк тўқимасининг шаклланиши билан якунланди. Гиперкальцемиа ҳолатида катта болдир суяги нуқсони соҳасида динамикада остеогенез жараёнининг кучайганлиги кузатилди. Суяк тўқимасининг қалин, асосан остеоид тўқимадан иборат, фиброз-тоғай тўқимасининг нисбати кам. Қон томирлар атрофида концентрик суяк пластинкалари зичлашиб, остеоидлар қаватини ҳосил қилди. Ташқи умумий суяк пластинкалари қавати тўлиқ шаклланган. Суякланиш жараёни тажрибаниннг 30-кунига келиб, пластинкасимон суяк тўқимасининг шаклланиши билан якунланди.

4. Гипокальцемиа ҳолатида қалқонсимон без олди безибош хужайраларининг секретор фаоллигининг ортиши остеоластларнинг суяк тўқимасини резорбция қилиш фаолиятини оширади. Остеогенез жараёни сусаяди, репаратив регенерация жараёни секинлашади. Гиперкальцемиа ҳолатида қалқонсимон безнинг парафолликуляр хужайраларининг секретор фаоллиги кучаяди, остеоластлар фаоллиги ошади. Остеогенез жараёни кучаяди, репаратив регенерация жараёни тезлашади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc/PhD. 04/30.12.2019. Tib 93.01 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
БУХАРСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ МЕДИЦИНСКОМ ИНСТИТУТЕ
ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ СТОМАТОЛОГИЧЕСКИЙ
ИНСТИТУТ**

МАХМУРОВ АЛИШЕР

**ВЗАИМОСВЯЗЬ СТРУКТУРНЫХ ПРЕОБРАЗОВАНИЙ
ЩИТОВИДНОЙ И ПАРАЩИТОВИДНОЙ ЖЕЛЕЗЫ И РЕПАРАТИВНОЙ
РЕГЕНЕРАЦИИ КОСТНОЙ ТКАНИ ДИАФИЗА**

14.00.02- Морфология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2020.4.PhD/Tib737.

Диссертация выполнена в Ташкентском педиатрическом медицинском институте. Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу (www.tma.uz) и на Информационно-образовательном портале “Ziyonet” (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель	Рахматова Макадас Халтаевна доктор медицинских наук
Официальные оппоненты	Расулов Хамидулло Абдуллаевич доктор медицинских наук Хамдамова Мухаёхон Тухтасиновна доктор медицинских наук
Ведущая организация	Ошский государственный университет (Республика Киргизия)

Защита диссертации состоится «___» _____ 2021 г. в _____ часов на заседании Научного совета DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 при Бухарском государственном медицинском институте (Адрес: 200118, г. Бухара, улица А.Навои, 1, Тел./факс: (+99865) 223-00-50; тел: (+99865) 223-17-53; e-mail: buhmi@mail.ru.)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Бухарского государственного медицинского института (зарегистрирована № ____). Адрес: 200118, г. Бухара, проспект А.Навои, 1, Тел./факс: (+99865) 223-00-50.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2021 года.
(реестр протокола рассылки № ___ от «___» _____ 2021 года).

А.Ш. Иноятов

Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

Д.Н.Ачилова

Ученый секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, доктор философии (PhD) по медицинским наукам, доцент

Н.А. Нуралиев

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (автореферат диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. За последние десятилетия в отечественной и зарубежной литературе накопился значительный материал о молекулярно-клеточных механизмах репарации костей, местных и системных факторах, регулирующих остеогенез и ремоделирование структуры костной ткани, стимулирующих остеогенез и формирование регенерата. По мнениям экспертов Всемирной организации здравоохранения «... обогатение патогенетически обоснованными новыми знаниями репаративного процесса, позволило восстановить качество жизни больных в течение короткого времени, с минимальными нарушениями их жизнедеятельности»¹. В настоящее время распространение современных хирургических технологий в травматологии и ортопедии, требуют разработки новых, патогенетически обоснованных, высоко продвинутых методов, оптимизирующих репаративную регенерацию костной ткани.

В мире показаны, что представления о репаративной регенерации тесно связаны с достижениями регенеративной медицины. В настоящие дни продолжается изучение механизмов регенераторной способности костной ткани, для разработки механизмов действия факторов оптимизирующих остеогенез, дифференцировку и пролиферацию костных клеток. Это увеличивает эффективность хирургических операций, проводимых на костях и суставах. В научных источниках обоснованы взаимодействия остеобластов и остеокластов в непрерывно протекающих процессах ремоделирования костной ткани для поддержания прочности скелета. Разработка целенаправленных механизмов оптимизации репаративной регенерации костной ткани, выявление источников стволовых клеток костной ткани, увеличение пролиферативной активности остеобластов, проводить морфологический анализ механизмов эндокринной регуляции репаративной регуляции костной ткани является важной медико-биологической задачей сегодняшнего дня.

Сегодня в нашей стране проводятся огромные работы по оказанию высококвалифицированной медицинской помощи, по определению взаимосвязи между структурными преобразованиями щитовидной, паращитовидной железами, а также репаративной регенерацией костной ткани диафиза трубчатой кости при состояниях гипо- и гиперкальцемии. По этому поводу в Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы определены задачи, которые «...приводят к повышению оказания медицинской помощи населению, укрепления материально-технической базы учреждений первичной и неотложной медицинской помощи, улучшению качества семьи, материнства и младенчества...»². Учитывать морфологические

¹ Всемирная организация здравоохранения 2017 года

² Указ Президента Республики Узбекистан ПФ 4947 от 7 февраля 2017 года о стратегии дальнейшего реформирования Республики Узбекистан на 2017-2021 годы.

преобразования костной ткани диафиза трубчатых костей в процессе репаративной регенерации играет важную роль в разработке новых подходов к комплексной диагностике и лечения.

